

Аллоҳдан ҳаё қилиш



08:00 / 04.02.2020 2298

Алқама ибн Марсаддан ривоят қилинади: «Асвад ибн Язид ибодатга кўп жидду жаҳд қиларди, ранги кўкариб, сарғайиб кетгунча рўза тутарди. Ўлими яқинлашгач, у кўп йиғлади. Ёнидагилар: «Нимадан қўрқиб бунча йиғлаяпсиз?» дейишди. Асвад: «Қўрқаётганим йўқ. Аллоҳга қасам, Аллоҳ мени мағфират қилса ҳам, қилган ишларим туфайли У Зотдан ҳаё қиламан. Банда ўзининг охирги кичик гуноҳи афв этилса ҳам Аллоҳдан ҳаё қилиши керак», деб жавоб берди».

Изоҳ: Солиҳ инсоннинг савоблари кўп бўлиши билан бирга хато-камчиликлари ҳам бўлади. Аллоҳ таоло мана шу хато-камчилик, гуноҳ ва маъсиятларни ҳеч кимга ошкор қилмай, яшириб қўйганининг ўзи бандаси учун улкан неъмат ҳисобланади. Гуноҳлари яширилган инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаддини билиши ва қилган гуноҳларига тавба қилиши ва албатта гуноҳ-маъсиятга яна қайта қўл уришдан ҳаё қилиши лозим. Асвад «Аллоҳга қасам, Аллоҳ мени мағфират қилса ҳам, қилган ишларим туфайли У Зотдан ҳаё қиламан» дейиш билан ҳақиқий мўмин банда қандай бўлиши керак эканини кўрсатиб бермоқда. Ушбу ҳикоядан ҳатто гуноҳлари кечирилиб, жаннат башорати берилган тақдирда ҳам инсон бундай мукофотга аслида ҳақли эмаслиги, балки бу шарафга Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати билан эришганини эътироф этиши ва камтар бўлиб, қанча гуноҳ-маъсиятлари бўлса ҳам, Аллоҳ таоло унга улуғ мақом ато этаётганини ҳис қилиб, амалларига таяниб қолишдан ҳаё қилиши кераклигини билиб оламиз.

«Солиҳлар гулшани» китобидан